

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга аълочи, фидойи талаба ва аспирантларнинг «Янги ашаш ва ўқиш» республика семинар-учрашуви қатнашчиларининг муражаоти матни республика матбуотида эълон қилинди.

Шаҳар иқтисодий-саноат газетаси

№ 106 (9.144)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY KИТОН PALATASI INV. №

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

БОКУ, 7 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарход Арзиев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун Бокуга келди.

БОКУ, 8 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарход Арзиев хабар қилади).

Озарбойжон пойтахтидаги «Гулистон» саройида «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Озарбойжон Республикаси Президенти Хайдар Алиев очди.

Анжуманда ўттиздан зиёд давлат ва кўплаб халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасида ўтказилган ушбу анжуман нафақат Европа, Кавказ ва Осиё, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Шу кунга қадар, буюк мамлакатлар ҳам катта қизиқиш билдираётди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 сентябрь кун «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Озарбойжон пойтахти — Бокуга жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан суҳбатлашди.

Маълумки, коммуникацияларни ривожлантириш масалалари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. Бокуда ўтказилган халқаро конференцияда эса Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган Трасека лойиҳасини тўла амалга ошириш масаласи муҳокама этилди.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК — ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ АСОСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 сентябрь кун «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Озарбойжон пойтахти — Бокуга жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан суҳбатлашди.

нинг буромоди бўлиши керак. Агар буромад даромаддан кўп бўлса, бу ҳам инкирозга олиб келади. Аввало, даромад берувчи тармоқларнинг тараққиётини таъминлаш керак.

ханда қурилиш материаллари оламан. Энди ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти масаласи қандай? Бу бизда аҳоли сонининг кўпайиб боришини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш керак.

ЖАҲОНДА

Бугун Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги 53-сессияси очилди. Россия Давлат Думаси Виктор Черномырдиннинг Бош вазир лавозимига номзодини иккинчи марта рад этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ АППАРАТИ ХОДИМЛАРИ СОНИНИ ҚИСКАРТТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ ТЎҒРИСИДА

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ўтказилган III Тошкент савдо-саноат ярмаркасида «Империл» кўшма корхонаси томонидан таклиф этилаётган гулгоғозларни кўриб, тўғриси уларни хориждан келтириб сотиладиган воситачи тижоратчилар бўлса керак деган хабар бердим. Бундай ўйлаган фақат мен эмас эканман шекилли, гулгоғозлар ёпиштирилган альбомни кўраётган киши савол билан мурожаат қилди:**

— Бу гулгоғозларни қайси давлатдан келтирасизлар?  
— Шу ерда, Тошкентда ишлаб чиқарамиз, — кулимсираб жавоб берди ёшгина йигитча.  
— Ростданми? — ажабланди савол берган киши ва тез-тез унинг манзилни ёзиб олди ва хайрлашар экан:

— Яшаворинлар, буни тадбиркорлик деса бўлади, хорижникидан сира фарқи йўқ, ишларингизга омад, — деди.

Биз ҳам фурсатни бой бермай «Империл» кўшма корхонаси таъсисчиси Мурод Мусашайховни суҳбатга тортдик.

— Бизнинг «Империл» Валковерингс КолТД» кўшма корхонамиз «Элекаф» масъулияти чекланган жамияти қошида Англиянинг «Нексус» ҳамда Туркиянинг «Эже» фирмалари билан ҳамкорликда шу йили ташкил этилди, — деди у. — Кўшма корхонанинг устав фонди 1 миллион 550 минг долларни ташкил этди.

Кўшма корхонанинг иш бошлаганига эндигина 5 ой бўлди. Лекин у ўз маҳсулотлари билан кўплаб харидорлар эътиборини жалб эта бошлади. Чунки бу корхона маҳсулотлари жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб бермоқда. Англиянинг «Нексус» фирмаси лицензияси асосида туркиялик мутахассислар томонидан ўрнатилган замонавий жиҳозларда бугунги кунда 60 турда-

кин эмас, — дейди «Элекаф» корхонасининг раҳбари Файрат Курбанов. — Бу, албатта ёш тадбиркор сифатида мени чўчита олмайди. Аксинча, янги гоғлар ва янги ишларга ундайди. Корхонамиз ташкил этилган илк кунларда савдо шохобчаларини телевизор, магнитофон, турли электр анжомлари би-

ртта лойиҳа тайёрладилар. Ана шулардан бири ювиладиган гулгоғозлар ишлаб чиқарадиган кўшма корхона очиш лойиҳаси эди. Гап шундаки, «Элекаф» корхонаси охириги пайтда хориждан келтирилган гулгоғозлар савдоси билан шуғулланар эди.

— Биз бунинг учун ав-

арзонга тушади. Ана шу мақсадни амалга ошириб, мамлакатимиз бозорини сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминлашга, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўшни давлатлар мутахассислари ҳам корхона ишига катта қизиқиш билан қарамқдалар. Қозғистонлик вакиллари ишлаб чиқаришни кузатиб, кўшма корхона ташкил этишни таклиф қилдилар. Россия ва Қирғизистон давлатларидан ҳам шундай ҳамкорлик қилиш ҳақида таклифлар бор. Лекин корхона аҳлининг асосий мақсади аввало ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлашдир.

Бугун корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қурилиш ташкилотларидан катта буюртмалар тушмоқда. Айниқса, 2 уйсозлик комбинати, «Уйжойқурилиш» ҳиссдорлик жамияти илк буюртмачилар бўлиб, уларнинг сони кундан-кунга ортмоқда. Тез кунларда гулгоғозлар шахримиз савдо шохобчаларида ўз харидорини топади. Ҳозирда кўшма корхонанинг фирма магазини қурилмоқда.

Корхона жамоасининг келгуси режалари қувонарлидир. Ҳозирда бу ерда 25 та одам ишлаётган бўлса, келгусида яна 300 ўринга мўлжалланган ишлаб чиқариш майдони яратилиши кўзда тутилмоқда. Бу ишларнинг барчасида тадбиркорларга қўнғ, изланиш ҳамда машаққатли меҳнат, ҳамкорликнинг тўғри йўлдан бориши юксак самара бермоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТДА: «Империл» кўшма корхонасида ана шундай гулгоғозлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**Рашид Галиев олган сурат.**

**Чилангарлик шундай масъулиятли касбки, уни эъзозлаган, қадрлаган киши асло кам бўлмайди, ҳаётда ўз ўрнини топади, одамлар орасида ҳурматли ошади.**

1-трамвай депосида 3 та ака-ука чилангарлар — Шукрулла, Файрат, Баҳодир Раҳимовларни барча танийди, хурмат билан тилга олади. Шукрулла ака камгап, камтар инсон. Гапирса сўзлари сермаъно, суҳбатидан жуда баҳраманд бўласиз. У шу

**Сўлопагар**  
**АКА-УКА ЧИЛАНГАРЛАР**

даргоҳга қадам қўйганига 33 йил бўлди. Хали бирор маротаба ишидан «қинғир» чиққани йўқ. Унинг укалари Файрат ва Баҳодирларнинг ҳар бири 20 йилдан меҳнат гаштини сурди. Демак, бу ака-укаларнинг иш фаолиятларини кўшиб ҳисобласак 73 йил бўлибди, офарин!

... Тошкент темир йўллар техникумида ўқиб юрган Шукрулла Раҳимовнинг юрагида трамвай ҳайдовчилиги касби туғён урди. 1996 йилда у ўз мақсадига эришди. 3, 5, 12, 13, 20, 23-трамвай йўналишларида ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатиш йўлида, ҳамкасблари орасида ўзининг ҳалол ва ҳаққўй, юқори интизом ва касб маҳорати билан ҳурмат топди. Бир кун депо раҳбари Шукрулла акани ҳузурига чақирди, носоз аккумуляторларнинг кўпайиб кетганидан, аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлиги пастга тушганлигидан ташвишланиб гапирди.

— Мухандислар билан маслаҳатлашиб сизни аккумулятор цехига ўтказишни келишиб қўйдик. Йўқ демайсиз, Шукрулла ака, ҳамма шароитни яратиб берамиз.

— Депо қаддини ростлагунча сизга ўхшаш фидокорларнинг ёрдами керак бизга. Яхшилаб ўйлаб кўринг, — деди раҳбар.

... Худди шу суҳбатга ҳам 20 йил бўлибди. Ҳозирда аккумулятор цехининг сардори Шукрулла аканинг ишидан жамоа мамун. Йўловчилар хизматида трамвайларни тайёрлашда Ш. Раҳимовнинг меҳнатлари ҳар томонлама жиддий сезилиб туради. Кунда 5 — 6 та аккумуля-

торнинг юқори сифатли таъмирланишида касбга меҳру, юқори билим керак. Шунинг учун ҳам Шукрулла ака меҳнатининг эъзозланишида кўпгина маъно бор.

Файрат билан Баҳодирларнинг чилангарлик хунарини танлашларида Шукрулла ака бош-қош бўлди, уларга шу касбни ўрганишда ҳам меҳр уйғотди. Укаларининг иш жараёнлари ва меҳнат интизомларини тинмай назорат қилиб турди. Энди эса бу тадбиркор ака-укаларнинг олдига тушадиган чилангарлар бармоқ билан санарли. Бир зумда таъмирлаш ишлари шу «олтин қўл»ли усталарга топширилади. Кардан, колодка, редуктор, тормоз қисмларини мустаҳкам сошлаш «пир»лари, олган буюртмаларини ҳалол ва виждон амри билан меъёрига етказишда ҳеч эринмайдилар.

Шундай воқеалар ҳам бўладики, моҳир чилангарлар ўз вазифаларини ҳамма нарсадан устун қўйишади. Бир кун Шукрулла, Файрат, Баҳодирлар яқин қариндошларининг тўйига кетишаётган эди. Уларни ҳаракат таркибларини таъмирлаш цехининг бошлиғи Оспан Сманов тўхтади, ҳозиргина шатакда судраб келинган трамвайнинг тормозини сошлашни, эрта тонгдан йўловчилар хизматида чиқадиган ҳаракат воситаларининг сони камаймаслигини тўшунтирди. Ака-укалар ҳеч иккиланмай жомакор кийимларини қайта кийдилар, тормоз қисмини таъмирлашга киришдилар. Носозлик эса ўз вақтида барта-раф этилди. Бузуқ трамвай «отдек кишнаб» йўловчилар хизматида сарой дарвозасидан гуриллаб чиқиб кетди.

— Раҳимовлар тиришқоқ, билимдон, уларнинг чилангарлик касбини эгаллаганликларидан жамоамиз мамнун, — дейди суҳбатдошимиз Оспан Сманов. — Уларнинг иш услубидан ёш чилангарлар андоза олишга ишқибоз. Машалларимиз Николаи Глухов, Сергей Попов, Виктор Кузинларнинг сафидан ўрин олган бу ака-укаларнинг баракали хизматларидан ҳам кўп фойдаланамиз.

Ҳар қандай касб эгаси бахтга интилиш ҳусусиятига эга. Ака-укалар учун бахтлилик элга фойдали хизмат қилишдир. Уч баҳодир — Шукрулла, Файрат, Баҳодирлар халқ хизматида белларига файрат камарини боғларканлар асло кам бўлмайдилар. 1998 — Ойла йили албатта бу ака-укалар учун сермазмун ва ёрқин бўлиб, умр дафтарларида яхши саҳифалар қолдириши, шубҳасиз.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошида «Фидойи ёшлар» клубининг ташкил этилганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа давр мобайнида у анчагина хайрли юмушларга қўл улгурди. Бу тўғрисида мазкур клуб раиси Жаҳонгир Азимов шундай хикоя қилади:**

— Истиқлол байрами арафасида ўтказган энг йирик тадбирларимиздан бири Тошкентдаги Абдулла Қодирий номидаги боғ ва боғ атрофидаги катта майдондаги ҳашар бўлди. Илгариги «Хужум» мажмуаси ўрнида ёшлар боғини барпо этмоқчимиз. Агар яна ҳам аниқроқ айтишдан бўлсак, ўша ерда муайян бир мажмуа бунёд этамиз. Жадидлар хиёбони ҳам унинг таркибига кириб кетади. Агар ёдингизда бўлса авваллари Эски шаҳар Тошкентни-

**ИБРАТ**  
**ВАТАН ИСТИҚБОЛИ ЁШЛАР ҚўЛИДА**

нг юраги ҳисобланиб, ўша пайтларданок истиқлолимиз ҳақида қайғурган, орзу қилган Мунаввар Қори, Чўлпон, Беҳбудий сингари эрқпарвар зиёдилар ҳам айнан Эски шаҳарда фаолият кўрсатишган. Келажакда барпо этилажак «Фидойилар боғи»нинг таклиф-лойиҳаси тайёр.

Бундан ташқари юртимизда ўтказилаётган ислохотларга ёшларнинг муносабатини ўрганиш ва уларни эзгу юмушларга кенгроқ жалб этиш мақсадида республика миқёсида ижтимоий сўровно-

ли ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Яқинда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси раиси Алишер Икромов билан келгуси режалар ҳусусида батафсил фикрлашиб олдик.

Биз ёшларга шахсан Президентимиз бугунги кунда катта эътибор бермоқда. Негаки, ёшлик — мамлакатнинг улғайиб келаётган умиди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувори йўналишларидан бирига айланган экан, ўз навбатида йигит-қизларимизнинг ҳам ислохотлардаги иштироки янада фаолроқ бўлиши ни истардим.

**Насокат УСМОНОВА.**

**Мана ёз ўтиб ўлкамизга куз ҳам кириб келди. Ҳар фаслнинг ўзига хос юмушлари бўлганидек олтин кўзимиз ҳам бундай ташвишлардан ҳоли эмас. Демак, куз киши тайёргарлиги билан ўтадиган давр. Тахририятимизга пойтахтимиз аҳолиси-дан келаётган кўплаб хат-хабарларнинг мазмуни ҳам ана шундан далолат бериб турибди.**

«Биз Собир Раҳимов туманига қарашли Қорақамиш даҳасининг 2/5 мавзесига жойлашган 2-уйда яшайми, деб ёзишда бир гуруҳ оқшомхонлар. — 1972 йилда кўчиб келган бу уйимизда 32 оила истиқомат қилади. Ҳозирги вақтда уйимизда коммунал шарт-шароитлар ўта ёмонлашганлиги сабабли сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ёмғирлар ёғиши билан уйимизнинг тоmidан чакка ўта бошлайди. Шу сабабли хонадон эгалари пешона тер билан ишлаб топган маблағ ҳисобига таъмирланган хоналар ва уй анжомлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Хоналаримизда иситиш системаси ишламайди. Қувурлар ўз хизмат мuddатини аллақачон ўтаб бўлган. Унинг биринчи қаватида жойлашган хонадонлар ертўласида доимо сув бўлганлиги сабабли пол ва деворлар захлаб ва могорлаб кетган.

Бешта уйнинг хонадонларидан чиқадиган ахлатлар ташланадиган яшиқлар ҳам бизнинг уйимиз рўпасига ўрнатилган. Ахлат уюмлари ўз вақтида олиб кетилмаслиги сабабли ноҳуш ҳидлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари уйнинг йўлак эшиклари ва ойналари синиб йўқолиб кетган. 1972 йилдан то шу кунга қадар ойна ва эшиклар алмаштирилмаган. Юқорида қайд этилган камчиликлар юзасидан тегишли идораларга қилган мурожаатимиз ҳамон натижасиз қолмоқда. Қизиги шундаки, бу камчиликларни бартараф қилиш учун худудимизга қарашли 5 уй-жойлардан фойдаланиш ижара корхонасига хабар қилганимизда у ердагилар биз яшаб турган уй бундан икки йил аввал жорий таъмирдан чиқарилганлигини баён этишди. Уйда бирон бир таъмирловчи ишламаган бўлса-ю бажарилмаган юмушни бажарилди деб кўрсатилса таажжубга тушаркансан киши. Ҳозирда кўриниб турибдики, юқорида номи зикр этилган идора раҳбарияти сохта ҳужжатларни расмийлаштириб тегишли ташкилотларга юборишган. Биз бу кўрсатма бутунлай нотўғри эканлигини исбот қилиш учун турли идораларга мурожаат қилдик. Лекин ҳамон улардан дарак йўқ. Бу йил ҳам ўтган йилгаддек бор отангга, бор онангга зайлида юраверамиз шекилли».

Биз ўз навбатида 5-ижара корхонаси раҳбарларига алоҳида эслатиб қўймоқчимиз. Ҳўш, хонадон эгаларининг ҳақли эътирозларини қачонгача пайсалга солиб келасиз? Қачонгача улар шундай ноҳуш аҳволда яшашади? Сансалорликнинг ҳам чегараси бўлади-да ахир! Хали ҳам кеч эмас. Ҳозирги ганимат дамлар-

**Қиш тайёргарлигини ёқтиради**  
**ВАҚТ ҒАНИМАТ**

ни бой бермай, уйда таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш зарур. Акс ҳолда кеч бўлиб, мавзуга яна қайтишимизга тўғри келади.

Собир Раҳимов туманининг «Марказ 17/18» мавзеи худудида жойлашган 1-уйнинг 95 хонадонидан яшовчи Ҳакимжон Ориповдан келган хат ҳам худди шундай мавзуда.

«Ушбу мактубни йўллашдан мурод шуки, — деб ёзди муаллиф, — биз 1984 йилдан бери шу бинонинг биринчи қаватида истиқомат қилиб келамиз. Хонадонларнинг биридан сув тошиб чиқса, иккинчисининг иссиқлик тармоғи ёрилиб кетади. Бу ҳақда ижара корхонасига бир неча бор шикоят қилдик. Аммо натижасиз бўлмапти. Айни кунда хожатхона ва ҳаммомдан сув сизиб чиқяпти.

Юқоридан силқиб тушаётган сув тозами ёки шахтадаги чиқиндилар ҳосиласими бу бизга аён эмас. Билмадик ваъдабоз ижара корхонаси ходимларини қачонгача кутиб кунни кеч қиламиз».

Назаримизда бу ерда изоҳга ҳожат йўқ. Ушбу уйга хизмат кўрсатадиган ижара корхона раҳбарлари мактубдан ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар деган умиддамиз.

Қиш кунларида кўчаларда транспорт қатнови ҳам сезиларли даражада оғирлашади. Шундай экан ўз ўзидан кўчаларда ҳам қишга тайёргарлик ишларини маромидан олиб бориш керак. Лекин ҳамма кўчаларда аҳвол яхшим? Қишли-қировли кунларда транспорт ва аҳоли ундан бемалол қатнаши оладими? Афсуски, йўқ. Бунга Юнусобод туманига қа-

рашли «Янгиарик» маҳалла аҳолиси-дан келган хатни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

«Янгиарик» маҳаллаимизда Загумёнини кўчасида ва шу кўча охирида жойлашган болалар боғчасида кўпдан кўпдан бери таъмирлаш ишлари олиб борилмаганлиги сабабли ўйилиб, чуқурчалар ҳосил бўлган. Бу ҳақда туман ҳокимлигига уч марта маҳалла фаоллари ариза ёзиб боришди. Хатимиз ободонлаштириш бошқармаси эътиборига ҳавола этилди. Бошқарма мутаасаддилари билмадик, негадир уччала хатимизга ҳамон эътиборсизлик билан қарамқдалар. Ушбу сансалорликдан бирор натижа чиқишига кўзимиз етмагани учун сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдик. А. Ибодов, Л. Латипов, П. Саидов, А. Набиҳўжаев».


Энди Чиланзор туманида истиқомат қилувчи Дилором Ёрматовадан келган хат билан танишим.

«Биз Чиланзор туманининг 4-даҳасида жойлашган 12-уйда яшайми. Уйимизнинг орқа томони Қатортол кўчасидан «Шухрат» бекати-гача бўлган қисмида кавлаш ишлари бир ярим йилдан бери давом этаёпти. Энди бу иш ниҳоясига етган шекилли чуқурчалар қайсидир ташкилотлар томонидан ярим-ёрти кўмилганича ташландик ҳолда ётибди. Ҳозир уйимизга Қатортол томонидан машина қатнамай қўйди. Бекатдаги кичик бозорча ва дўконларга чанг ва тупроқни кечиб чиқиб харид қилиб келишга мажбуримиз. Ахир кўчани қавлаган ташкилот ишни ниҳоясига етказгандан кейин уни текислаб, асфальт ётқи-зишни наҳотки унутиб қўйган бўлса. Ёки уни бошқа бир идора ниҳоясига етказиши керакми? Нима бўлса ҳам бундай ҳолдан кўча атрофида яшовчи хонадон эгалари қийналишяпти».

Биз ҳар иккала хатни текшириб чора кўриш учун туман ҳокимликларига юбордик. Улардан келган жавоб хатларини эса газета саҳифасида албатта ёритамиз.

Хулоса қилиб айтмоқчимизки, ҳали ҳам муддат бор. Ҳавонинг ана шу илқ-иссиқ кунларидан унумли фойдаланилайлик. Фурсатни бой бериб мушкул аҳволга тушиб қолмайлик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**



Шахримиздаги китоб-журнал фабрикасида чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати тобора ортиб бормоқда. Чунки бу ерга янги замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. СУРАТДА: янги дастгоҳларни умуммал ишлайтишни йўлга қўйиб олган ранг-тасвир цехининг фаолларидан бригадир Жўра Умаров, цех бошлиғи Шухрат Тўхтаев ҳамда ишчи Исмат Саъдуллаевлар.

**Рустам Шарипов олган сурат.**

Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига

# МУҲАДДИСНОМА

(Давоми. Боши газетанинг олдинги сониди).

## ТУШ ҲИКОЯСИ

Дерлар, болаларнинг туши — фазилат, Унгидан келади ҳаётда албат.

Чунки бола қалби софликка ошён, Пок ният, пок йўллар унда намоён.

Муҳаммад туш кўрди болалик чоғи, Эмиш ер юзининг бир гулшан боғи.

Ухлаб ётган эмиш Расули Аллоҳ, Елиб утирганмиш илос-ла ногоҳ.

Кўнган замон унга турли ҳашарот, Ҳайдаб юборалмиш бола шу заҳот...

Уйғонса Муҳаммад, не ажаб, туши, Учибди бурчнинг бошидан туши.

Устоз Пойкандийга этмиш арзи ҳол: — Англатинг, эй устоз, бу қандайин фол?

Пойкандий ўрнидан турибди кушод, Эркалаб бағрига босди шу заҳот:

— Сен улғур бир инсон бўлагайсан, болам, Илму ҳикмат ила тўлғайсан, болам.

Аллоҳнинг Расули айтган ҳадиси, Табаррук саналган ҳар битта сўзи.

Саҳийхларни топиб, тизиб дур мисол, Фаатларин умрига бўлагайсан асос.

Шундоқ эрур ушбу тушининг ҳикмати, Лекин, бутам, оғир бўлур захмати.

Бола Пойкандийга айлади қуллук, Чикди хузурдан шукҳуға тўлиқ.

Жону жаҳондан кўриб ортиқроқ, Илмга ўзини бахш этди шундоқ. Пойкандий айтгандек алоҳида бўлади. Саҳийх ҳадислардан жамоли қулди.

## КУЗНИНГ ОЧИЛИШИ ҲИКОЯСИ

Не бир синоатлар бўлур дунёда, Бир-бирдан гаройиб эрур зиёда.

Не қулфат тушидо онаизорга, Дуч келди беадад ташвиш, озорга.

Муҳаммаднинг кўзи юмилиб қолди, Гўёки жуфт чашма кўмилиб қолди.

Онанинг оҳига зириллар осмон, Ки одам кўрмасан бундайин фиғон:

— Болам, Муҳаммадим, юрагим кўри, Қонийди сўнсаю кўларим нури, Урнига розийдим, раҳмдил худо, Сенинг кўзларингга нур этса ато?!

Ё тангрим, ўзинг тут ўғлим кўлдан, Токи адашмасин юрар йўлдан.

Кўзларидан оқиб селдек жолалар, Она фарёд урар чекиб нолалар.

Фарзанд қисматидан тушиб қайтуға, Бир оқим кетганда она уйкуға, Келмиш уни йўқлаб ҳазрат Жаброил, Демши: «Нол қилма, фарзанди қобил —

Муҳаммаднинг кўзи очилгувонидир, Чехранга табассум сочилгувонидир.

Чек кўйди тортган кўп надоматингга, Шукр айла Аллоҳнинг марҳаматига».

Саҳар турганида она меҳрибон, Уйнаб юрар ўғил ҳовлида шодон.

«Онажон» — бағрига отилди ўғли — Кўзларим кўрмоқда, ина нур, чўғли».

Оллоҳнинг қарам — она шукр этар, Дилдан беадад қайғуси кетар.

Муҳаммаднинг бўлди жон-дил китоб, Ташнадек ўқирди ёдлаб, бобма-боб.

Китоблардан топиб ором жонига, Яна шўнғир эди илм уммонига.

## МУБОРАК САФАР ҲИКОЯСИ

Расули Акрамга фидо этиб жон, Муборак сафарга юрди хонадон.

Бош бўлди барчага оғаси Аҳмад, Мухтарам волида ҳамда Муҳаммад.

Макка сари юрди зўр қарвон ила, Қалбида Пайгамбар суварати тўла.

Қумликлар, тоғлар ҳам орқада қолди, Дарёлар, боғлар ҳам орқада қолди.

Юрдилар неча ой, неча кун, ҳафта, Йўлининг хотирига тўладир дафтар.

Нихоят кўринди шаҳри нур Макка, Егдуларга тўла мисли хур Макка.

Зийрат этдилар Кабатуллоҳни, Бир лаҳза олмайин ундан нигоҳни.

Табаррук Макканинг ҳар битта тоши, Муҳаммад кўзидан қуялар ёши.

Ҳар тошга юзларин суртар Муҳаммад, Ҳар тошдан мўъжиза кутар Муҳаммад.

Армонлар тухади, қайтар хонадон, Яна қадрдони Бухоро томон.

Шунда бир оғиз сўз, айтар Муҳаммад: — Эй, меҳрибон она, ёр бўлсин омад.

Мен шунда қолсаму туну кун ишлаб, Умримни ҳадислар ичра бағишлаб,

Билим ирмоқларин хўласам барин, Пайгамбар каломин тўласам барин.

Китобат этсаму элга қолдирсам, Эзгулик чанқоғин шундай қондирсам.

Опа ўпди ўғлим пешонасидан, Дуоларни олиб у онасидан.

Пайгамбар қошида тутди у макон, Бухорий номига мос келиб чандон.

Ўн олти ёшдаги азамат ўсмир, Ўн олти йил шунда ўтказди умр.

Неча минг ҳадис бор — барин жамлади, Меҳнати лол этди, қаранг, ҳаммани.

Саҳийх ҳадисларни ажратар ўғлон, Унга зўр ҳакамдир доимо Қуръон.

Шўйтиб неча мингдан бир-бир ёзди у. Гўёки сўнги йўқ қудуқ қазди у.

Шарқнинг кўш юлдузи Бағдод ила Шом, Дамашку Басрада тахрор битта ном:

«Бухорий келибди ҳадис йиққани, Пайгамбар ҳикматиин мағзин чаққани».

Қайдаки ҳадис бор — Бухорий топар, У — эзгулик излаб юрт кезар чопар.

## ҚУТЛУГ ИЗЛАР ҲИКОЯСИ

Имом Бухорийнинг кўнги дафтари — Аро кўпдир жуда ҳикмат гаплари.

Ёзди имомлар султони шундоқ: Қарера борганим ҳисоблаш — жумбоқ.

Мисра икки бор айладим сафар,

Ҳар галда мақсадга бўлдим мунсарр.

Икки бор бағрини очди шаҳри Шом, Изладим бағридан муборак калом.

Кўндарё орасин кездим икки бор. Икки бор омадим бўлди чиндан ёр.

Барида пайгамбар руҳи мадаждор, Бел боғлаб гар сафар қилсам ихтиёр.

Басрага тўрт бора ташриф айладим, Олимлар суҳбатин дилга жойладим.

Ҳар галда қашф этдим янгилик бирор, Ҳадис оламида не янгилик бор — Барини кўридилар мен билан баҳам, Чекмадим дўстларим аро асти гам.

Кеча-кундуз юриб, тортсам машаққат, Унутдим, янги гап топганим фурсат.

Олти йил жой берди бағридан Ҳижоз, Олти йил изладим тилмай қишу ёз.

Дилмида нур билан берардим пардоз, Расулу сўзлари-ла тўлғардим қоғоз.

Энг яхши тилаклар ёр бўлсин дедим. Емонлар ҳамиша зор бўлсин дедим.

Ҳижозга ҳамиша қуллук этарман, Ниятим бир кунин унга қайтарман.

Бағдод, асрларнинг тилсими Бағдод, Асрий хазинанинг сим-сими Бағдод.

Борганим неча бор билмасман сира, Борганим қанда қилмасман сира.

Алломалар шаҳри азал-азалдан, Хушбўйдир шоирлар айтган гагалдан.

Ҳар бурчи менга ёд, менга қадрдон, Ҳар кўча, ҳар гузар ҳадис меҳрибон.

Ақлимни чархлади суҳбати илм, Устозлар сўзидан ёришди дилим.

Мен ҳадис ишқиди ёнганим билиб, Қумакка келдилар марҳамат қилиб.

Кундузлар кўшдан нур эдим ҳар дам, Тунлари ой нури бўлдилар ҳамдам.

Ҳар сағрим ёртди қатим-қатим нур, Гўёки нур ила тўқиларди дур.

Ой магар чикмас, шўла сочди шам, Шўлдада китобим эдим мен рақам.

Бағдодда тонгача қулбадан ёруғ, — Таралиб, уйқудан айлади форуғ.

Қуфада шу зайл кечди кунларим, Минг шукр, бедор ўтиб тунларим.

Саҳарда неча бор офтобга салом — Айтиб, тонгин кутдим хуласи калом...

Ўбстап, Бухорийдан изласак дарак, Олис жабҳаларда кезмай жонсарак.

Қуфю Бағдодга солайлик йўли, Ҳижозга меҳр ила боғлайлик дили.

Қутлуғ изларини сақлаган Бағдод, Бухорий руҳини ҳар он этиб ёд.

Қуфада, Ҳижозда қолган нишонини, Тилога баробар, менга ишонини.

У ерда Бухорий нафаси кезар, Ҳадисларни ҳамон маржондек тизар.

Қутиб олар бизни руҳлари тетик, Кўзлариди шўла, қалбида битик.

Темур УБАЙДУЛЛО (Давоми бор).

**Оила ҳақида кўп санъаткорлар асарлар яратганлар. Хусусан рассомлар ижодида бу мавзунинг ёритилиши ҳақида кўп сўзларни айтишимиз мумкин. Аммо ҳозирги максал-муддаомиз бир ижодкорнинг битта асари тўғрисида бўлади. Ҳассос, маҳоратли ижодкор — мусаввир Алишер Мирзаев асарларнинг аксарияти тасвирий санъат ихлосмандларига кўп манзур бўлган. Ва ҳозир ҳам шундай эканлиги сир эмас воқелиқдир.**

Маълумки, яхши кўшиқни тинглаганда одамнинг дили яйрайди. Унинг мазмунини кўнглининг чуқур қатламларига сингади. Шундан бўлса кераки яхши мусиқанинг жаранги уни эшитиб бўлган ҳам қулгимиз остида давом этиб турганга ўхшаб туюлаверади. Ва беихтиёр унга жўр бўлиб қуйлаб юборганингизни ёки тебраниб, завқланиб кетганингизни сезмай қоласиз.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Алишер Мирзаевнинг оила ҳақидаги, ўз пайтида кўп сонли санъат ихлосмандларининг муносиб, юқори баҳосини олган тасвирий санъат асари ҳам бежиз «Ёш оила ҳақида кўшиқ» деб аталмагани шундан бўлса керак. Биз муаллиф ижодий фаолиятида тасвирий бадий рангтасвир асари ва унинг номи орасидаги вобасталик, мутаносибликнинг жуда аниқ ва ифодали топилишини кўп кузатганмиз. «Ёш оила ҳақида кўшиқ» ни томоша қилган киши муайян, оддийдек бўлиб туюлувчи маиший кўринишдаги тасвирий курсада, унинг композиция ечими, бадий мужассамаси нақадар тўқиси, мукамал яратилганидан огоҳ бўлади. Тасвир тарихининг нозик чизгилари, ранг ечимининг гўзал мусиқий жилоси шунга имкон яратадики, томошабин беихтиёр содир бўлиб турган воқелик тасвирини давомий, дилга яқин бир кўшиқдек қабул қилади. Унинг тасавурида ранг-тасвирдаги акс эттирилган воқеликни айнан содир бўлиб турган ҳолати оддий қотиб қолган кўриниш эмас, балки харақатдаги ижтимоий ҳодиса янглиг инвектос топади. Асар мазмунига рассом ўзининг ҳаёти, кундалик турмуш тарзининг маълум лавҳалари, бадий кўринишларини сингдириб юборганини сезиб олиш қийин эмас. Аммо шу билан бирга асар улкан ижтимоий маъно, мазмун касб этувчи умумлашма, мохиятнинг ифода этувчи бадий ижод намунаси даражасига етганини инкор қилиб бўлмайди.

Оила мавзуси жуда қўна, у мумтоз кўшиққа, кўйга ўхшади. Унинг ҳар бир ифодаси турлича кўриниш ва ҳолатда ўзининг янги-янги кирраларини ажабтовуру намён этаверадики гўё чеки — чегараси йўқдек. Ҳар сафар мумтоз, дилрабо куй-кўшиқни тинглаганда, бабуни ички дунёси бой, таассуроти, сарҳади кенг, руҳий олами тўқис ҳар қандай киши яхши эс этади. Кўнглидан ўтказида ва албатта мулоҳаза юритади, шундан чексиз завқлар туюди...

Асардаги ҳар бир буюм, муҳитдаги ҳар бир нарсаси тасвири ўзбекининг кундалик ҳаёти, оддий, ўзига хос миллий турмуш тарзи, эр ва хотин ўртасидаги тотувлик, фарзандлар камоли ва осуда бахт ҳақида ҳикоя қилади. Фарзандлар камоли ҳақида орзулар оғушида сарху фирқларга чулганган ота образини кўз олдинда намён этади. Бу барча таассуротлар рангларнинг гўзал ифодаси, чизикларнинг ритмик ҳолати, нозиклиги орқали дилнинг каттида оҳанг пайдо қиладики, у давомий бўлиб асар ҳақидаги хотира узоқ сақланиб қолади. Бир кўра унинг таассуротлари

оғушида юрасиз, рангтасвирнинг барча жиҳатларини кўз олдинга келтириб эслай оласиз. Ҳар бир асарнинг қуввати, сифати эса унинг узоқ ёдда ўрнашиб қолиши билан белгиланишига ишонч ҳосил қиласиз. Сизда мусаввирнинг бошқа ижод намуналарини ҳам кўриш истиғи ҳосил бўлади. Кўргазма залларидан ҳар сафар ижодкорнинг сара асарларини излаб топиб кўришга эҳтиёжингиз пайдо бўлади. Уларни таҳлил этишни ўрганасиз, натижада рассом ижодида хос сифатларни

бир ижодкорнинг ўз айтар сўзи, мурод-мақсади, миллий ўзига хослик, бетакрор услуб билан фарқланиб туради. Худди шу миллий ўзига хос мазмун ва шаклнинг гўзал мужассамасининг энг юқори даражадаги намунасини Алишер Мирзаев ижодидаги ўзак сифати биз сўз юритаётган асарда ҳам мавжуд. Ундаги буюқ тусларнинг ўзаро ҳамоҳанглиги, шу билан бир пайтда, тиник ва жозибали товланиши ҳар қандай санъат ихлосманди эътиборини тортади. Асар моҳиятига сингдириб орилган мазмун, яъни оила бошлиги ва унинг бекаси кўнглидаги яқдиллик тасвир аниқлиги орқали, ҳар бир асар қаҳрамони сиймосидаги ишора, ҳолатлар, ҳаракатлар воситасида намён бўлиб туради. Уй бекаси кўзгүк шарҳида ўзига оро бераётган тарзда кўрсатилган бўлсада, унинг нигоҳи, ҳаёли, фикр-уйлари оиласи, унинг бошлиги, ёш икки фарзанди ҳақида эканлиги равшан англашилди турибди. Ота сиймоси ҳам умумлашма бир тарзда акс эттирилган, аммо унинг юз ифодалари ҳаёл оғушида эканлигидан дарак бермоқда. Беихтиёр у ҳам ўз оиласи, бағрини тўқис қилиб турган маъсум фарзандлари камоли, келажиги тўғрисида ўйлаётганлигини англаб оласиз. Фарзандлар келажиги эса тибийий юрт истикболи, фаровонлиги, тинчлиги — демакки Ватан мустақиллигининг мустақамлигидир. Оила, унинг ҳар бир аъзоси эса она-Ватан таянчидир, десак асло янгишмаймиз. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқ кераки, истеъдодли мусаввир Алишер Мирзаев ижодий фаолиятининг маълум даврининг сара намунаси саналувчи «Ёш оила ҳақида кўшиқ» аввалроқ яратилган бўлсада замон, давр синовларидан ўтиб ўз қиммати, қизиқарлигини йўқотмай келётган асарлар сирасига кириши ўз исботини топди. Зеро, бу ажойиб дилтортар рангтасвир асар мусаввирнинг илк ижодий муваффақиятларга эриша бошлаганидаёқ «Она», «Интерьердаги қиз», «Менинг болалигим», «Ёш оқшомини», «Кўкатлар бозори», «Тўй», «Буви ва набира», «Санъатшунос» О. Олимжоннинг портрети» каби бир қатор ажойиб асарлардан сўнг яратилган эди. У ўша пайтлардаёқ Ўзбекистон Давлат санъат музейи залларидан муносиб ўрин олгани кўпчиликнинг ёдида турган бўлса ажаб эмас...

Бухром ТОҶИЕВ, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, рассом-санъатшунос. СУРАТДА: Алишер Мирзаевнинг «Ёш оила ҳақида кўшиқ» асарида кўриб келинган.

## МУСАВВИРНИНГ ЭРКА ҚУШИГИ



кўйналмай аниқлай ола биласиз. Маълумки, мўйқалам устаси ҳар бир асари учун ўзига хос ранг-туслар мажмуи ва тарх чизиклар уйғунлигини зукколик ва билимдонлик, тажрибакорлик ила танлаб уларни маҳорати кучи билан жуда гўзал тарзда жиловлаштириб қўлади. «Ёш оила ҳақида кўшиқ» асари ҳам шу, ижодкорга хос сифатлар билан тўлиқ йўрилганлиги билан ҳам алоҳида қимматга эга.

Тасвирий санъат оламида оила, фаровон, осуда турмуш, бахтли келажак орзуси, фарзандлар камоли тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлар талайгина. Бундай намуналар жазон санъатида, хусусан ўзбек тасвирий санъатида ҳам кўпубай учрайди. Уларнинг ҳар бири ўз композиция ечими, тасвирий воситалари билан бир бирдан фарқланиб туради. Чунки ҳар

1998 — Оппа йили

Владимир Тюрков ва Рустам Шогулоновнинг «Ўзбекистон Республикаси» («100 саволга 100 жавоб») китоби чоп этилди. Уқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган саволлар ва жавоблар шаклидаги ушбу китоб Ўзбекистон Республикасининг табиати, аҳолиси, унинг кўп тармоқли ҳужалиги, маданий ҳаёти, мамлакатимиз келажиги ҳақида ҳикоя қилади.

Китобдаги саволларнинг бир қисmini муаллифларга улар чет элда юрган кезларида беришган бўлса, айримлари эса кўпдан-кўп ажабий меҳмонлар, сайёҳлар, Ўзбекистонда бўлган чоғларида, талабаларимиз ҳамда ўқувчилар ва ўз мустақил давлатини-

Матбаа

## «100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ»

нг ишончли тарихини кўпроқ билишни истаганликларини, қизиққанликларини боис муаллифларга турли саволлар берилган.

Китобдаги савол ва жавоблар асосан мустақил мамлакатимизда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар ҳамда матбуотда эълон қилинган материаллар асосида тўзилган.

Китоб олти бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Ўзбек юртининг бағри узра» деб номланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг қўламини қанча? Унинг пойтахти-ю, қайси миллатлар ва элларнинг вақиллари яшаши, Ўзбекистон Республикаси тарихида қандай шаҳарларнинг кириши ва уларнинг қачон ташкил этилганлиги» каби қатор саволлар мавжудки, ана шу саволларга аниқ жавоблар келтирилган.

Иккинчи бўлим эса «Давлат ва ижтимоий тузум» ҳақидаги савол-жавобларни ўз ичига ола, учинчи бўлимда эса «Иқтисодий, ижтимоий бозор иқтисодиёти тузилмалари» бора-сидаги саволларга аниқ жавоблар берилган. Туртинчи бўлимда «Таълим ва фанга оид», бешинчи бўлимда «Маданият ва ижтимоий ҳаёт» бора-сидаги савол-жавоблар ўрин олган бўлса ва ниҳоят олтинчи бўлим «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида» деб аталади. Унда Ўзбекистон Республикаси билан неча давлат дипломатик муносабатлар ўрнатилгани, Биринчи Миллатлар Ташкилотига қачон қабул қилинганлиги, республикамизнинг ташқи сиёсатининг асосий қоидалари қандайлиги каби қатор саволларга жавоб топишнинг мумкин.

Китоб талабалар, ўқувчилар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган бўлиб, айниқса ўқувчи ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳақида илмий-назарий маълумотларга эга бўлишида, шунингдек, мустақил давлатимиз тарихини ўрганишда ёрдам беради. «Ўзбекистон Республикаси» («100 саволга 100 жавоб») китоби ўзбек тилида 25 минг нусхада, рус тилида 10 минг нусхада китобхонларга армуғон этилган.

Назира ЖҲАЕВА.

## САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидagi илмий муассасалар учун ҳам муваффақиятли ўтмоқда. Уларда олиб борилаётган изланишлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан юксалтиришга қаратилган. Бундай ишларни Микробиология илмий-тадқиқот институтида ҳам кўрса бўлади.

Институт директори, профессор Қаҳрамон Давронов раҳбарлик қилаётган микроорганизм ферментлари тажриба-хонасида «Ер малҳами» номили препарат ишлаб чиқилди. Бу малҳам тирик бактериялардан тайёрланган бўлиб, тупроққа солинганда ерни ҳаводаги азот билан таъминлайди. Мазкур препаратнинг бир литри 70—80 килограмм азот ўғитининг ўрнини боса олади. Худди шу микродордаги малҳам 1 гектар ерни у билан ишлашга етади. Яна шуниси қизиқки, «Ер малҳами» кимёвий азот ўғитидан икки баробар арзон ҳамдир. Тажрибахона ходимлари ушбу препаратни тайёрлашда асос қилиб олинган тирик бактериялар ўзидан физиологик фаол моддалар ишлаб чиқаришини ҳам аниқлашди. Бу моддалар ўсимликлар учун жуда зарур бўлиб, уларнинг касалланишини камайтиради, сифатини яхшилайди, сабзавотлар таркибиди қанд микдорини ошириб, дармондори ва аминокислота синтезлашини кучайтиради. Бундай янгиликдан ҳозирда туб ўзгартирилган олиб борилаётган республикамиз қишлоқ ҳўжалигида ердан унумли фойдаланиш, кам сарф-харажат билан кўп ҳосил олишни таъминлаши кутилмоқда. Мажид РАИМОВ.



Санъат, у каттами-кичикми барчани ўзига бирдай мафтун этади. У рақсми, аскиями, кўшиқми — бир хилда жозибадор.

Рустам Шарипов олган суратлар.





### Хорижда

#### КОСМИК ЙЎЛДОШ ЁРДАМИДА УРГАТИШ

Яқинда Исроил тиббиёт олий ўқув юрталарида тиббиётга ўқитиш бўйича янги услубият текшириб кўрилади.

Дастлабки машғулотлар ўтказилди, мамлакатнинг учта клиникасида бир вақтнинг ўзida шифокорлар иш жойида йўлдош алоқаси ёрдамида Црифиндаги «Асаф арофе» клиникасида ўқилган маърузани тинглаш имконига эга бўлди.

Мазкур тажрибада Цфатдаги «Зив», Америкадаги «Барзилэй» клиникалари ва Наират Илитдаги Шотландия госпитали шифокорлари қатнашди. Уч аудитория энг янги жиҳозлар, жумладан фотоаппаратура, видео-компьютер ва кичик-АТС билан жиҳозланган Ахборот марказига бириктирилди. Ушбу тажриба қатнашчилари бўлиши шифокорлар машғулотларни тинглаб, ҳатто савол беришлари ва дарҳол жавоб олишлари мумкин эди.

Янги услубиятни ишлаб чиқаришда «Second opinion», «Безекал» ва «Арель комюникейшн» компаниялари Тиббиёт интернатура мактаби мутахассислари қатнашди.

### ЖИНСИНИ ТАНЛАШМОҚДА

Исроилда биринчи марта эр-хотин шифокорлар ёрдамида туғилганида бола жинсини танлашди. Шу кунларда Тейврийнинг «Поррия» шифохонасида генетик диагностика натижасида қизалоқ дунёга келди.

Янги туғилган қизнинг онаси, мамлакат шимолида яшовчи 24 ёшли аёл бола кўра олмасди. Хомилдорлик жараёнида ўтказилган тахлилнинг кўрсатишича, унинг турмуш ўртоғи, шу билан бирга амалиётчи кам учрайдиган генетик касалликка чалинган бўлиб, оқибатда бола умуман туғилмаслиги ёки ақлан заиф бўлиб туғилиши мумкин. Бунда шу нарса ҳам аёнки, касаллик фақат янги туғилган ўғил болаларга ўтади. Шунинг учун бу хавфдан қутулиш мақсадига хомилдорликнинг бошидаёқ генетик тест ўтказишга қарор қилинди.

Биз аёллар генларини аниқлаш ва фақат уларни она қорнига қайтариш мақсадига суний урулгатишга қўл урдиқ, — деди «Хадасса Ар Ацифим» Қуддус шифохонасининг акушерлик ва гинекология бўлими маси мудири Нари Лауфер. — Шунинг хисобига олиш зарурки, биз авваллари олдиндан гўдак жинсини аниқлай олмасдик. Энди хомилдорлик вақтида уни ўрганиб чиқамиз ва агар унда генетик касаллик борлиги аниқланса, хомилдорликни тўхтатишга мажбур бўламиз.

Профессор Лауфернинг таъкидлашича, янги услубият бўлажак гўдакнинг жинсини танлаш имконини берса-да, ахлоқий томондан қараганда, биз фақат бир жинсга оид одамларга юқадиغان генетик касаллик хавфи бор бўлган тақдирдагина унга қўл уриляпти.

### ЕТАКЧИ УРИНДА

Исроил тиббиёт соҳасида энг янги технологияларни қўллаш ва жорий қилиш бўйича иккинчи ёки учинчи ўринни эгаллаб турибди, бу соҳада АҚШ энг етакчи ҳисобланади. «БИОМЕДИКАЛ» инвестиция фирмаси директори профессор Боаз Гольдвассер ушбу хулосага келди.

Биотехнология муаммолари бўйича ўтган халқаро симпозиумда профессор Гольдвассер 2000 йилгача биотехнологиялар ва фармацевтика соҳасида ҳам, тиббий ускуналар соҳасида ҳам Исроил фирмалари ва компаниялари фаолиятининг кескин ўсиши кўзга ташланади. Унинг сўзларига қараганда, Исроил мазкур соҳаларда, айниқса энг янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда жаҳон бозоридида етакчи ўринни эгаллайди. Бунда мазкур соҳада ҳал қилинмаган қатор маъмурий масалалар қолади.

Агар 1995 йилда Исроилдаги энг янги технологияларни ишлаб чиқишнинг 27 фоизи тиббиёт соҳасига тўғри келган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 34 фоизгача, ўтган йилда эса 40 фоизгача етди.

### «ХОТИРА ҚОТИП»ЛАРГА ҚАРШИ

Вейцман номидаги институт кафедрасида ўтказилган тадқиқотларнинг бирламчи натижалари соматик ва психик касалликларнинг бир гуруҳининг сабабларида гаройиб ўхшашлик борлигидан далолат беради.

Бу гуруҳга Альцгеймер касаллиги (секин-аста хотиранинг йўқолиши, уни кўпинча қарилек касаллиги ёки склероз деб аташади), шунингдек Паркинсон ва Хантингтон касалликлари каби патологиялар кирди. Энг қизиғи шундаки, бу гуруҳга қон босимининг юқорилаши, биринчи навбатда гипертония билан боғлиқ бўлган юрак-қон томирлари ва буйрак касалликлари ҳам кирди.

Кейинги йилларда саноати ривожланган давлатларда қайд қилинган Альцгеймер касаллиги билан хасталанганлар сонининг ошишини умрининг узайиши билан боғламоқдалар. Лекин Альцгеймер ва Паркинсон касалликлари, шунингдек юрак-қон томир хасталиклари кескин равишда «Вашингтон» ва кўплар нисбатан ёш даврида бу хасталикларга чалинганлар.

Бу хасталикларнинг сабаби марказий асаб тизимининг жароҳатланишида эканлигини олиmlар кўндан бери сезар эдилар. Бироқ бу касалликларнинг конкрет сабабларини аниқлашга ҳали эришилгани йўқ.

Вейцман номидаги институтнинг нейробиология бўлими бир гуруҳ тадқиқотчилари бу соҳада яна бир қанча натижаларга эришдилар. Ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар юқоридаги касалликларнинг бош миаянинг эр асосий қисмидаги бўлими — гипоталамуснинг олди қисмида ривожланиши давомида миаянинг ушбу қисми хужайраларнинг бир хил турларини шикастлантирувчи захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши бошланишини кўрсатди. Бу шикастланишларнинг сабаби ҳали аниқланганича йўқ, аммо токсинларнинг ажралиб чиқиши бу хужайраларнинг ўлишига олиб келади ва бу қон босимининг ошишига ва тажриба ўтказилаётган ҳайвонларнинг ҳаракатларида бузилишларга олиб келади.

Тадқиқотчилар бу жараёнларнинг математик моделини туздилар, бу диагностикага, кейинчалик эса одамнинг асосий қотиллари — юрак-қон томир хасталиклари ва психик касалликлар билан курашга катта аниқлик киритади.

### Автобус бекатида музқаймоқ еб турган Саида бирдан бақириб юборди:

— Адамла, Нилу... — Синглиси Нилуфарнинг қўлидан ушлади, — юр, юракол, тез бўл, кетиб қоладилар. Опа-сингил қўллариди музқаймоқни улоқтириб, одамлар орасидан туртина-суртина юғра кетишди. Саида адасининг ёнидаги аёлга ҳам, ўспирин йигитга ҳам эътибор бермай, дадасини маҳкам қучоқлаб олди... Бейўш қорни олдига чиққан, юзи ари инига ўхшаш гадир-будир киши худди қоқиб қўйилгандек, кимир этмай турарди.

— Адажон, қаердайдингиз?..

Нилуфар Саидадан бир ёш кичик эди, холос. Аммо опа-сингил феъл жихатдан икки хил дунё эди, Нилуфар кўп ўйчан, мулоҳазали қиз. Шунинг учун бўлса керак у дадасидан ўзини сал тортди. Дадасининг ёнидаги аёл ва ўспирин нима бўлаётганига тушунолмай ҳайрон боқиб турди. Шу пайтд худди ўйқудан чўчиб ўйғонган киши каби отадан меҳр истаб бағрига отилган гўдакни дёвникидай қўлоқ қўллари билан ўзидан итарди. Бу ҳолатга чидай олмаган Нилуфар кўзларига қалқиб чиққан ёшни тиёлмай Саиданинг қўлларидан ушлаб ўзига тортди.

— Юр, юракол Саи, бу адам эмас, кўрмаяпсанми, бизани танимаяпти-ку! Улар сал юришди-да, беихтиёр орқага қарашди. Ҳалиги ўспирин худди атайлаб қилаётгандек, «Дада, юринг», деб боғия кишининг қўлтигига қираётган эди...

Саида орқага юра бошлади: — Мен ҳозир унга кўрсатиб қўяман. Нега энди бизани адамиш у болага дада экан. Қўлимни қўйиб юбор, ҳозир бораман. Менинг кўзим кўрмики, ўз адамин танимасам... Саида Нилуфарнинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлиб юлқинди.

Нилуфар ўн икки ёш бўлишига қарамай, худди катталардек фикр юритади. Ҳозир ҳам, шундай бўлди. — Саи, — деди у, — мана шу воқеани эсингдан чиқарма. Бир кун келиб уни шу бугунгидек эслашга тўғри келади.

Улар худди дугоналардек бир-бирларини сенлаб гапиршарди. Саида синглиси нима учун бундай деганини тушунамиди ёки жавоб бергиси келмади, индамади. Нилуфар йўл-йўлакай сотиб олган кундалик дафтарнинг биринчи саҳифасини ҳозиргина юз берган воқеа билан қоралади.

Саиданинг ғалати одати бор эди. Ичига гап сиғдирилмас, сир сақлашни билмасди. Ҳар хил гапларни пала-партиш гапирар, гапирганда ҳам воқеанинг кўзини чиқариб, бошини ёриб ташларди. Онаси бундан баъзан ташвишланар, ҳоҳида эса «Катта бўлиб, ўзини эплаб олар» дея ўзига-ўзи тасалли берарди. Бугун ҳам шундай бўлди. — Сиз алдасиз, — дея йиғлай кетди

Саида уйга етиб келишгач, — алдасиз, билдизми. Адам танимайман, сенларни дедилди, адамини битта ўғил бола «дада» деб қўлтиқлавлди...

## ТУЗАПМАС ХАТО

Шоира ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон эди.

— Тушунтириброк гапирсанг-чи? Нима гап ўзи, нима деб алдабман, қачон, қаерда алдабман?

— Нилуфар бўлган гапни ётиги билан гапириб берди. Опасининг гапига диққат билан қулоқ солиб турган Дилбар ва Дилраболар ҳам онасининг пинжига тикилишди.

— Опа, адам талкаллама-а? — Опа, адам анила ўзи? — Аданг, узоққа кетган, сенлар катта қиз бўлганларингда келади.

У чехрасидаги гапнинг кизларига сездирмасликка ҳаракат қилди. Нима қилсин, ўғил кўрмаганимиз учун, «барибир ўрганганимизни туғаверасан, менга эса ўғил керак» деб бошқа аёлга уйланиб кетганлигини айтиб, қизлари қалбига ҳам озор берсинми...

... Орадан йиллар ўтди, Саида ўнинчи синфни тамомлаб фабрикага ишга кирди. Тўқувчилик касбини пухта ўрганди, Нилуфар эса орзусига эришди. Ҳуқуқшунос бўлиб етишди. Дилбар ва Дилраболар ҳам катта қиз бўлиб қолишди.

Шоира совчиларни қутиш билан овора. Энди ҳаммаси ортда қолди. Ширин ташвишлар унинг хаёлини банд этиб олган. Қизлари буйига етди. Уларнинг ўз ўрнини топиб узатиши керак. Энг муҳими «Қизларимнинг тақдирини меникига ўхшамасин-да» дейди у.

Бугун ҳаво очик. Кечаги ёмғирдан сўнг айниқса, ҳаво тозаланган. Тўйиб-тўйиб нафас оласан киши. Дарахлар япроғи ҳам парвоз қилгандек ялтиради. Нилуфар эғнига янги тиктирган қўйлагини кийди. Сочини ораста қилиб тараб, ҳар галгиде орқасига турмақлади. Қўйлагининг рангига мос, жигарранг сумкачасини қўлга ушлаб ўзини ойнага солди. Кўнгли тўлди чоғи, одатдагидек, онасининг юзи

дан ўтди. «Яхши бориб кел, кечикма, хавотир оламан», деди онаси.

— Ушланиб қолгудек бўлсам, кўнгирик қиламан, — деди Нилуфар.

У онасига кириши билан негадир юраги алланечук титради. Кўнгли ғаш бўла бошлади. Кечаги кўрилиши керак бўлган ишларни кўздан кечириш зарурлигини эслади. «Ора ишни чала қолдирмас эдим. Балки шунинг учун юрагим гашир-ди» дея ўйлади у.

У энг устида турган ишни олиб кўздан кечириар экан, «янглишмадиммикан» дея фамилияни қайта ўқиди. Ундаги суратга тикилиб қаради. Афсуски, у янглишмаган эди. Унинг хаёли ўтмиш лавҳалари

ичкарига ошиқди. Кун анча кеч бўлиб қолган эди. Нотани киши тўғри йўлакнинг чирогини ёқди.

— В-в-а-й товба, чирогимиз бойлигини аёқдан биласиз, — деди Дилрабо болалиқча арқалик билан.

У жавоб ўрнига қизларга биттадан кўғирқок берди. Дилрабо раҳмат дейишни ҳам нутиб Нилуфарнинг олдига югургилаб келди.

— Нилуфай опа, мана, мана, — у кўғирқоғини кўз-кўз қилди. — Қаердан олдинг? — Амаки бердила.

Нилуфар кир машинасини ўчирди-да, йўлакка келди. Келди-ю ҳайрон бўлиб қолди. Салом берди, унинг бағрига отилмоқчи, уч йилдан бери қаерларда йўқолиб кетганини сўрамоқчи бўлди. Аммо бундан уч йил илгариги эски шаҳарда юз берган воқеа ёдига тушди. Бир озгина жимликдан кейин сингилларининг қўлидаги қўғирқокларни олиб унинг сеткасига солиб қўйди.

— Нилуфар, қизим, нега ундай қилаяпсан?

— Амакинг буларни ўғилларига олганлар, юринлар, — деди-да сингилларини етаклаб ичкарига юрди.

Меҳмон ҳам сеткасини кўтариб, Нилуфарга эргашди. Уйга кириб ҳаммаёққа бир-бир назар ташлади. Онасини, Саидани сўради:

— Саида бунимникида. Опам ишда-ла. Ҳозир кечаси ҳам ишлаяптила, — деди Нилуфар.

— Амаки, синзинг ҳам қизларингиз борми, — сўради Дилбар. Жамшид ўзини тутолмади. Бирин-бирдан ширин қизлари ўз отасини «амаки» деса-я, чидаб бўладими бунга?! У нақадар катта хатога, хато бўлганида ҳам тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганлигини шу тобдаёқ тушуниб етгандек бўлди. Ўз фарзандларига оталик қилмай, ўзганинг боласини фақат ўғил бўлгани учун бошини силаши шу тобда ўзи учун ҳам бачкана бўлиб туюлди. У қизларига «Мен сенларнинг адаларингман» дейлмади. Нега айтолмаганини Нилуфар ҳамон уйлди.

Ушанда адаси эртага келаман, кейин ҳеч қаерга кетмайман, дедиманиди. Орадан ўн йилдан кўра кўпроқ вақт ўтди. У дом-дараксиз эди. Мана энди эса унинг жинийи иши ҳақидаги иши қизининг қўлида. Аммо бунини бошқалар биллишмайди.

Қизик, отаси шунча йиллар мобайнида қаерларда юрган экан? Қизлардан бозор бўлиб, севган хотинини, фарзандларини ташлаб чиқиб кетган Жамшид ўғил кўрдиликми?

Насиба ҲОЖИМУРОД қизи.

### Бош муҳаррир уринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

### ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

#### ТОШКЕНТ АВИАСОЗЛИК КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИ

11-синф маълумотига эга бўлган ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича электромонтёрлик ихтисоси бўйича 1998—1999 ўқув йилига ўқувчилар қабул қилади.

Битирувчиларга касб-ҳунар олганликлари ҳақида аттестат берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 2000 сўм стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 100% тўланади, ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади, дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бошқа вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:

1. Раҳбар номига ариза
2. 11-синфни тамомлагани ҳақида ҳужжат
3. Яшаш жойидан маълумотнома
4. Фотосурат 3х4 — 6 дона
5. Паспорт
6. 086У формадаги «Тиббий маълумотнома»
7. Ҳарбий ҳужжат ёки рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳнома

Ўқиш 15—30 сентябрдан бошланади.

Бизнинг манзил: 700207, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 331-уй. Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-40-64.

### КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, АЖНАБИЙ ФИРМАЛАР ВА ИНВЕТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

#### Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ҳаёқ истеъмол моллари ишлаб чиқарини Департаменти шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган бир қатор муҳташам ишопотлардан фойдаланишда ўзгар ҳамкорлик қилишга таклиф этлади.

1. Умумий саҳни 882 квадрат метр бўлган ресторан, европача андозада, ноёб меъбел, инвентар ва ускуналар билан жиҳозланган. Иккига зал, бар, қишчи боғли қаҳвахонаси бор. Ҳамкорлик имкониятлари: — корхона тузиш йўли билан биргаликда фойдаланиш; — ижара.

2. Умумий саҳни 2250 квадрат метр бўлган уч қаватли иморат. Фойдаланиш имкониятлари: — маъмурий-савдо мажмуаси (биринчи қавати — қаҳвахона ва дўкон, иккинчи ва учинчи қаватлари офис учун); — савдо маркази

— кўнглилар ва дам олиш маркази (биринчи қават — қаҳвахона, дўконлар, иккинчи ва учинчи қават — видеоотека, видеозаллар, ўзини автоматлари заллари ва ҳоказо)

Ҳамкорлик имкониятлари: — корхона тузиш йўли билан биргаликда фойдаланиш; — ижара.

3. Умумий саҳни 2500 квадрат метр бўлган бир қаватли иморат, европача андоза. Фойдаланиш имкониятлари: — дискотека; — бильярд клуби; — боулинг.

Ҳамкорлик имкониятлари: — корхона тузиш йўли билан биргаликда фойдаланиш; — ижара.

Маълумотлар учун телефонлар: 133-15-82



Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Сирғали, Миробод туманлари давлат нотариал идоралариди ўрни бўш нотариуслик жойларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун таплов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ? Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва «Меҳнат биржа»си 11 сентябрь соат 8.00 дан 14.00 гача «Чорсу» меҳмонхонаси майдонида «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ўтказлади. Сиз бу ярмаркада иштирок этсангиз ишсизлик муаммосининг ечимини топишингиз мумкин. Шунингдек шаҳримиздаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ҳам олишга мушарраф бўласиз. Шунинг учун ярмаркамизга ташриф буюринг. Бизнинг манзил: «Чорсу» меҳмонхонаси майдони. Транспортлар: трамвайлар: 7, 8, 16. Автобуслар: 28,35, 46, 91. Телефон: 144-57-89, 144-57-25, 144-59-12.

Шайхонтоҳур туманидаги «Неъмат Вали» шахсий корхонаси ТУГАТИЛАДИ Давловлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшаква ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.